



СЕРВИС

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ**

**2022
МАХСУС**



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Туризмга бағишланган МАХСУС СОНИ

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

Тахририят ижодий

жамоаси:

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба

чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида

тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профес.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Мурод Мухаммедович Мухаммедов, Зарина Муродовна Мухаммедова Туризмни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш – инвестицион ресурслар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	5
Искандар Суёнович Тухлиев, Сарвар Адхамович Абдухамидов, Мафтуна Кенжаевна Дустова Минтақавий туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш орқали янги истикболли туризм йўналишларни шакллантириш	8
Шоира Азимовна Мусаева, Дилфуза Илхомовна Усмонова Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик туризмнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш йўллари	13
Beqjon Shukurillayevich Musayev Mehmonxona xodimlarining iste'molchilar bilan muomala qilishning etika qoidalari	20
Зумрад Исламовна Усманова Туризм соҳасида “рекреация”, “рекреацион фаолият”, ва “рекреацион хизматлар” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти	23
Диёр Ҳақбердиевич Холмаматов Меҳмонхона хизматлари бозорини сегментлашнинг ўзига хос жиҳатлари	29
Зиёвуддинхон Тошболта ўғли Бакаев Ички ва қирувчи туризм фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи турдош соҳаларнинг роли	32
ИННОВАЦИЯ ВАРАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Абдулахад Нематович Рахимов Иқтисодий модел параметрларини тақсимланган ЛАГ усулида таҳлил қилиш	37
Умида Мизробовна Носирова Инновации в туризме: теоретический аспект	40
Fazilat Esirgarpovna Jomonqulova, Nuriddin Tojiyev Turizmда axborot texnologiyasining innovatsion g'oyalari	47
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Искандар Суёнович Тухлиев Пандемиядан кейин қайта тикланиш шароитида Ўзбекистон ички туризмни ривожлантиришнинг стратегик режасини шакллантириш	51
Раҳматулла Ҳайитбоев Ўзбекистоннинг чўл минтақаларида туризмни ривожлантириш йўналишлари	55
Нурали Эшниязович Ибадуллаев Самарқанд вилоятининг туристик ресурслари ва улардан фойдаланиш имкониятлари	59
Акрам Абдурахмонович Азизқулов Имом Али Суғдий даҳмаси зиёрат туризми объекти сифатида	66
Dilfuza Zoxitovna Norkulova Jismoniy imkoniyati cheklangan insonlar turizmini tashkil etishda zarur sharoitlarni yaratishning o'рни va ahamiyati	70
Zafar Odilovich Raximov, Malika Bobir qizi Doniyorova Mehmondo'stlik industriyasida qariyalarning ovqatlanish masalalari	76
Сусанна Сейрановна Алиева Вопросы повышения безопасности предоставляемых туристических услуг	79
Aziza Olimjonovna Asadova, Dilfuza Zoxitovna Norkulova Nostalgik (qo'msash) turizmni tasniflanishi	83

Зариф Орипович Ахроров, Бобур Бахтишодович Собиров Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш истиқболлари	88
Азиза Пирмаматовна Махмудова, Абдуғани Мелиев Туризм бозорида экотуризмга бўлган талабни таъминлаш истиқболлари	93
Sanjarbek Komiljon o'g'li Boyjigitov Mamlakatimizda faol turizm turlarini rivojlantirishning nazariy va amaliy masalalari	96
Моҳигул Эркиновна Ахтамова Самарқанд вилоятида экотуризм объектларини тизимлаштириш	100
Шавкат Собирович Олтаев Туризм соҳасини самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	105
Zumrad Islamovna Usmanova, Dilnoza Baxodirovna Egamkulova, Davlatbek Baxodirovich Egamkulov O'zbekistonda etnografik turizmni rivojlantirishning o'ziga xos xususiyatlari	108
Акбаржан Сабиржанович Мадаханов, Мавжуда Кахаровна Ботирова, Шоирахон Тилаволдиевна Газиева Хонободда соғломлаштирувчи туризмни ривожлан-тиришнинг реал ва потенциал имкониятлари маса-ласига доир мулоҳазалар.	111
Sarvar Adxamovich Abduhamidov, Azizjon Shukrilloevich Berdimurodov O'zbekistonning mintaqaviy turistik marshrutlar ishlab chiqish imkoniyatlari va istiqbollari	116
Фируз Фахритдинович Зоҳидов Самарқанд вилоятида ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида	122
Азиза Юсуфбековна Талибова Ўзбекистоннинг музейларида туризм экскурсия хизматларини ривожлантириш йўллари	126
Фарход Фуркатович Мухамаджанов Маданий мерос объектларини сақлашдаги муаммолар ва улардан туризм соҳасида фойдаланиш имкониятлари	131
Соҳибжон Шербой ўғли Тўрабеков Туризм соҳасидаги банд аҳоли сонини оширишда “MICE туризм”нинг аҳамияти ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	135
Гулмира Раббоновна Турсунова Туризм соҳасида турпакетни ишлаб чиқиш тамойиллари	140
Мубин Хабибжонович Хамитов Меҳмонхона хўжалигида сервис сифатини баҳолаш ва мижозларнинг мамнунлик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш	147
Сарвар Адхамович Абдухамидов Ўзбекистон вилоятларини туристик минтақалар сифатида таҳлил қилиш ва баҳолаш	154
Рахматулла Хайитбоев, Фарход Бекназаров Зиёрат туризми: Султон Увайс ота Қараний зиёратгоҳи	160
ИНВЕСТИЦИЯ	
Дилноза Азаматовна Нематова Туризмнинг ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда ички туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш	164
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Дилшода Сафарова Туризм соҳасида тадбиркорликни ташкил этиш ва уни ривожлантириш имкониятлари	168

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Zafar Odilovich Raximov Turizm sohasi rivojlanishini strategic rejalashtirishda logistika yondashuvini qo‘llash xususiyatlari	174
Азиза Пирмаматовна Махмудова Экотуризм самарадорлигини баҳолашда маркетинг ахборот тизимидан фойдаланиш хусусиятлари	177
Mo‘min Shavqiddin o‘g‘li Muxiddinov Mehmonxona xo‘jaligida sifatni boshqarish	183
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Ботир Рахматуллаевич Пардаев Туристтик хизматларни кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлиги ўзгаришига таъсир этуши омиллар ва уларни ҳисоблаш йўллари	187
Немат Умарович Худайбердиев, Учкун Абдухалилович Ширинов Туристтик-мехмонхона мажмуалари харажатлари ҳисобини такомиллаштириш	193
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Адхам Итолмасович Рахматов Туризм соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш моделининг яратилиш тартиби	199
Sanobar Bakhriiddinovna Kipchakova The role of planning a lesson or a sequence of lessons in the educational process	203
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар	207
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Билиб қўйинг	208

Зариф Орипович Ахроров – СамИСИ доценти в.б., PhD

Бобур Бахтишодович Собиров – ТДИУ Самарқанд филиали доценти в.б.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСТРЕМАЛ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада туризм турларини ривожлантириш доирасида экстремал туризмни ривожлантириш масалаларига алоҳида диққат қаратилган. Мақоланинг мақсади – экстремал туризм моҳиятини очиб бериш ва Ўзбекистонда бу борада қилинадиган ишларни ёритиш бўлиб ҳисобланади. Ишда экстремал туризм таркиби кўрсатилган, мамлакатимизда уни ривожлантиришнинг SWOT таҳлили амалга оширилган, шунингдек экстремал туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: туризм, экстремал туризм, риск, спорт, туристик хизмат, турист, Экстремал ва тоғ туризми федерацияси.

Кириш. Туризм инфратузилмасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, тақдим этилаётган хизматлар сифатини ошириш ва жаҳон бозорларида миллий туризм маҳсулотларини фаол тарғиб қилиш, туризм тармоғининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали туризм соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш ҳамда республикага кириб келаётган хорижий фуқаролар сонини кескин кўпайтириш биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади.

Жаҳонда экстремал туризм фаол ривожланганлигини таъкидлаган ҳолда, табиат кўйнида дам олиш, янги таассурот ва ҳиссиётлар олиш, жисмоний ҳолатни яхшилаш мақсадида катта рискни бўйнига олган ҳолда фаол равишда экстремал туризмни амалга оширмакдалар.

Экстремал туризм кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам катта даромад келтирадиган ноанъанавий туризм тури ҳисобланади. Миллий иқтисодиётга туристларни кенг жалб қилиш шароитида экстремал туризмга потенциал туризм тури сифатида қараб уни ривожлантириш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир.

Мамлакатимизда экстремал туризм яхши ривожланмаган, лекин у истиқболли туризм тури сифатида эътироф этилади. Бу туризм турини ривожлантириш мамлакатимиз туризм тизимини такомиллаштиришга олиб келади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мамлакатимиз иқтисодий адабиётларида экстремал туризм деярли тадқиқ қилинмаган. Мамлакатимиз бир қатор олимлари экстремал туризмни ҳаёт учун хавфли спорт ўйинлари туризми сифатида таъриф бериб, бу туризм тури асосан хориж мамлакатларида ривожланганлигини эътироф этишади [3, б. 320].

Экстремал туризм кенг қиррали тушунча бўлишига қарамай, унинг ягона ва аниқ таърифи ишлаб чиқилмаган. Умуман олганда, экстремал туризмни инсон ҳаёти учун хавфли бўлган, бориш қийин бўлган, жойларга саёҳат қилиш, рискка асосланган ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва томоша қилишни характерлайди.

Бир қатор рус тадқиқотчилари экстремал туризм берган таърифлари диққатга сазовордир. Уларнинг фикрича, экстремал туризм – бу туристларнинг махсус тайёргарлигини талаб қиладиган ва тўсиқларни енгиб ўтишни тақозо этадиган туризм туридир [9, с. 89]. Экстремал турларнинг мақсади – ўткир ҳиссиётларни ҳис қилиш деб таъкидлашади.

Я.С.Нарута ва В.Б.Ноликовлар экстремал туризмни инсон саломатлигини мустаҳкамлаш ва уни ҳар томонлама тарбиялашга мослашган эмоционал дам олиш шакли деб қарашади [8, с. 101].

Мальталиқ профессор Г.Балдачинининг экстремал туризмга оид чуқур илмий изланишларини юқори баҳолаган ҳолда, у инсонларни экстремал туризмга чиқишларида катта риск билан отланишларини алоҳида таъкидлаб ўтганлигини эътироф этамиз [4].

Экстремал туризмга саргузашт туризм сифатида ҳам қаралади. Хусусан, А.В.Баб-

кин туристларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш, янги ҳиссиёт ва таассуротлар олиш мақсадида фаол ҳаракатлар ва табиатда дам олиш билан боғланган саргузашт туризм деб таърифлайди [5, с. 152].

Т.К.Сергеева экстремал туризмнинг бир қатор турларини экологик туризмга тегишли деса [10, с. 58], В.А.Квартальнов эса спорт туризмга боғлиқ туризм сегменти сифатида қарайди [6, с. 98].

Бизнингча, экстремал туризм – туристларнинг жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилашга қаратилган ҳамда мустақил тайёргарликни талаб қиладиган ва рискга асосланган мустақил туризм туридир.

Тадқиқот методологияси. Монографик кузатувлар асосида экстремал туризм борасида фикрларни умумлаштириш, мамлакатимиз туризм салоҳиятини баҳолашда экстремал туризм имкониятларидан фойдаланиш ва кенгайтириш аҳамияти ёритишга қаратилди. Маълумотлар таҳлилида статистик маълумотларни гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатув, SWOT-таҳлили усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда экстремал туризмнинг энг ривожланган турлари орасида тоғ чўққисини забт этиш, ғорда сайр этиш, сноуборд, тоғ велосипеди, параплан ва дельтапланда учиш ва албатта тоғ чанғиси ажралиб туради.

Экстремал туризмнинг баъзи турлари дунёда фақат битта давлатда (масалан, корридо – Португалияда, асов отни жиловлаш – Испанияда) ривожланганлиги ҳаммага маълум [3, б. 320]. Бу каби спорт турлари ҳаёт учун хавfli эканлиги миллионлаб туристларни ҳаёжон, кўрқув ва қизиқиш билан томоша қилишлари аҳамиятга моликдир.

Жаҳонда экстремал туризмни таснифлаш асосида унинг бир қатор турлари мавжуд эканлигини эътироф этиш лозим (1-чизмага қаралсин).

Ўзбекистонда туризмнинг экстремал турларини тоғ велоспортини, веломотокросс, мототуризм, параплан ва дельтапланда учишни оммалаштириш борасида иш олиб борилмоқда. Булар жумласига халқаро off-road авторалли мусобақасини ўтказиш, “Lakeorenair” автосайёҳлар ёзги фестивали, “Chingan Air Battle-2019” парапланда учиш бўйича Ўзбекистон очик чемпионати, “4x4 Energy” авторалли фестивали, “SKY assurasy cup 2019” парапланда учиш ва аниқ кўниш бўйича ва халқаро автотуризм бўйича мусобақалар, GPS-йўналишида янги маршрут ўтказиш ва бошқа тадбирларни ташкил этишни таҳсинга сазовордир [7]. Аммо бу борада хизмат сифатини яхшилаш, шаҳар ва тоғли ҳудудларда ўқув-машғулотлари масканларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни кўриш зарур.



1-чизма. Экстремал туризм таснифи*

*Муаллиф ишланмаси

Бу тадбирлар аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, оммавий спорт мусобақалари ва соғломлаштириш ишларида иштирок этишини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантиришдан мақсад куйидагилардан иборат:


- мамлакат иқтисодий ҳолатини яхшилаш;
- мамлакат экстремал туризм салоҳиятини ва мавжуд потенциални намойиш этиш;
- ички ва хорижий туристлар эҳтиёжларини қондириш;
- туризм тизимини жаҳон мамлакатлари даражасига етказиш;
- туризм тизими таркибида экстремал туризм ўрни ва салмоғини ошириш;
- экстремал туристик хизматлар сифатини такомиллаштириш ва бошқ.

2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, экстремал туризмни ривожлантириш мақсадида қояларга чиқиш нуқталарини аниқлаш ва тегишли белгилар ўрнатган ҳолда кемпинг (чодирларни ўрнатиш) учун жойлар рўйхатини тасдиқлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда [1].

Экстремал туризмнинг оммалашувиға сабаб бўлиши мумкин бўлган томонларидан бири унинг психологик ва руҳий томони ҳисобланади. Экстремал туризм бир хил иш режимида ишлайдиган, асосий вақтини офисда ўтказидиган ҳаёт тарзида, ҳар кунлик қайтариладиган ишдан чалғишда руҳий томондан бошқатдан куч тўплаш ва дам олиш воситаси ҳисобланади. Аксарият вақтларда кишилар ҳаётида янги ҳиссиётлар, турли ҳаётий воқеалар етишмаслигидан азият чекишади.

Одамлар кўпроқ адреналин ва ноодатий ҳиссиётларни туйишга интилгани учун ҳам экстремал туризм трендга айланиб, қизиқарли бўлиб туюлади.

Экстремал туризм (қаттиқ саргузашт туризми) кўриниб турганидек, пирамиданинг энг юқори қисмида жойлашган. Бу турдаги туристлар ўз мақсадларига эришиш учун интенсив жисмоний қийинчиликларга тайёрлар ва туристик объектларни олиш ва қулайлик даражасига етишиш учун ҳаммасига рози ҳисобланади. Бундай туристлар (1-диаграммада кўриниб турганидек) кўп эмас.



1-диаграмма. Марказий Осиёда табиат туризмга бўлган талаб [11]

Ўзбекистоннинг барча вилоятларида зиёрат туризми, экологик туризм, рекреацион туризм сингари экстремал туризмни ривожлантириш бўйича катта потенциал мавжуд. Айниқса Тошкент ва Самарқанд вилоятларида диққатга сазовор жойлар – тоғлик ҳудудларнинг мавжудлигидир. Бу тоғлик ҳудудларда тоғдаги экстремал туризмни ривожлантириш имконияти мавжуд. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланиш экстремал туристлар сонининг ошишига замин яратар эди.

Аҳоли ўртасида ёшларнинг катта салмоққа эканлиги ва айнан ёшларнинг экстре-

мал туризмга қизиқишларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ёшлар орасида экстремал ва тоғ туризмни оммалаштириш мақсадида аниқ тадбирлар режа-жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда кенг тарғиб қилиш белгилаб қўйилган эди. Бунинг таркибида қуйидаги вазифалар ўрин эгаллаган эди:

- Жиззахдаги Бахмал тоғли ҳудудида тоғ велопоёғаларини уюштириш;
- Фарбий Тянь-Шан тоғи бўйлаб Угам-Чотқол миллий боғи ва Чимён тоғларида треккингни йўлга қўйиш;
- Чимён тоғларида алпинизм, Чотқол дарёси бўйлаб рафтинг саёҳатларини ташкил этиш;
- Фориш туманидаги Нурота тоғ тизмаларида югуриш;
- Тошкент вилоятида параплан ва делтапланда учшни ташкиллаштириш;
- Сурхандарё вилоятининг Сариосиё, Жиззах вилоятининг Зомин, Тошкент вилоятидаги Чотқол тоғ тизмалари ҳамда Қашқадарёдаги Китоб халқаро географик кенгликларида ёрда сайр этиш;
- Бухоро вилоятида ёшлар орасида эко ва экстремал туризм йўналишлар доирасида “Сахро туризми” лойиҳаси бўйича саёҳатларни ташкил қилиш [2].

Айниқса, Чимён тоғлари этагида тоғ чанғиси учун қулай имкониятлар мавжуд. Қиш кунлари тоғлар қор билан қопланганда бутун мамлакатдан чанғи спорти ва спорт турлари мухлислари ташриф буюришади. Кичик кўёшли қиш ва тоза ҳавонинг уйғунлиги, қорнинг қўплиги ва ҳавфсиз тоғ ёнбағирларининг мавжудлиги чанғида ва чанада юриш учун қулай шароит яратади.

Мавсумийлиги сабабли ёзда бу жойлар машҳур эмас. Бу вақтда аҳоли ва меҳмонлар мамлакатнинг энг йирик сунъий сув ҳавзаси – Чорвоқ сув омборига борадилар. Хуллас, Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш бўйича барча имкониятлар мавжуд. Юқори келтириб ўтилган имкониятлар ва мавжуд вазиятни ўрганиб чиқиб Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш бўйича SWOT-таҳлилини кўриб чиқамиз:

1-жадвал

Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш бўйича SWOT-таҳлили

<i>Кучли томонлар</i>	<i>Кучсиз томонлар</i>
<ul style="list-style-type: none"> - республиканинг барча вилоятларида инфраструктуранинг мавжудлиги; - барча оила аъзолари учун дам олишда кенг хизмат турларининг мавжудлиги; - истеъмол бозорида талабнинг мавжудлиги; - мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этиши. 	<ul style="list-style-type: none"> - мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмай экстремал туризм объектларини ташкил этишдаги оқсоқликлар; - инвестицияларнинг етишмаслиги; - миллий ва халқаро миқёсда экстремал туризм турлари бўйича рекламаларнинг йўқлиги; - иқлим шароитларидан келиб чиқиб мавсумийлиги; - баъзи турларнинг юқори даромад олувчиларга мослашганлиги
<i>Имкониятлар</i>	<i>Таҳдидлар</i>
<ul style="list-style-type: none"> - халқаро муносабатларнинг мавжудлиги ва халқаро даражада туристлар келиши; - экстремал туризм соҳасида кенг туристик таклифларни ишлаб чиқиш; - экстремал туризм қизиқувчи чет эллик туристлар жалб қилиш учун интернет-сайтлар орқали реклама қилиш 	<ul style="list-style-type: none"> - экстремал туризмга истеъмолчилар қизиқишининг пасайиши; - экстремал туризм ривожига тўсқинлик қилувчи норматив ҳужжатларнинг яратилиши; - коронавирус пандемияси шароитида экстремал туризм объектларига келиш имкониятларининг пасайиши

Экстремал туризмни ривожлантириш бўйича SWOT-таҳлил қилиш билан шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда экстремални туризмни ривожлантириш катта имкониятлари билан бирга маълум кучсиз томонлар ва таҳдидлар ҳам мавжуд. Ўзбекистонда экстремал туризмни юқори босқичларга кўтариш учун қулай иқтисодий шароитларни яратиш лозим. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Экстремал ва тоғ туризми федерацияси билан биргаликда чора-тадбирлар дастурида экстремал туризмни ривожлантириш бўйича инфратузилмани яратиш ва бу ҳақда реклама ва эълонлар бериш, экстремал туризм бўйича Ўзбекистон имиджини яратиш ишларини амалга оширишлари лозим.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим:

- норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;
- замонавий моддий-техник базани таъминлаш;
- турли солиқ имтиёзлари ва енгилликларини бериш;
- тайёрланаётган кадрларни экстремал туризм фаолият турлари бўйича ҳам тайёрлаш;
- қутқарув жамоаларини ишларини оптималлаштириш;
- туристлар суғурталаниш механизмларини такомиллаштириш;
- экстремал туризмни тарғиб қилувчи ролик, реклама ва каталогларни яратиш ва бошқалар.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш мамлакатимизда экстремал туризмни ривожлантириш, туроператорлар томонидан актив туризм турларини таклиф этиш ва рақобатбардошликни таъминлашга қулай замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сон Фармони. 13.08.2019 й. <https://lex.uz/docs/4474527>. Мурожаат санаси: 13.07.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм хизматларини янада диверсификация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор лойиҳаси. <https://regulation.gov.uz/uz/document/13662>. Мурожаат санаси: 17.07.2020 й.
3. Amriddinova R.S., Ibadullayev N.E., Tursunova G.R., Tuxliyev O.I. Ekskursiya xizmatini tashkil qilish. O‘quv qo‘llanma. – Samarqand: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2015. – 320 b.
4. Baldacchino G. (ed.). Extreme tourism: Lessons from the world's cold water islands. – Routledge, 2006.
5. Бабкин А.В. Специальный виды туризма. Учебное пособие. – Ростов н/Д: Феникс, 2008. – с. 152.
6. Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. – М.: Финансы и статистика, 2003. – с. 98.
7. Қодиров Х. Дунёда экстремал ва тоғ туризмидан йилига бир неча миллион доллар фойда кўрилади, Ўзбекистонда-чи? <https://uza.uz/oz/tourism/dunyeda-ekstremal-va-to-turizmidan-yiliga-bir-necha-trillion-19-03-2019>. Мурожаат санаси: 13.07.2020 й.
8. Нарута Я.С., Ноликов В.Б. Экстремальный туризм: определения, виды, технология организации экстремальных маршрутов //Международный студенческий научный вестник. – 2016. – №. 6. – С. 101.
9. Сахнова Н. С., Шумский В. М., Сидорчук И. Б. Развитие экстремального туризма в Крыму //Культура народов Причерноморья. – 2009. – с. 89.
10. Сергеева Т.К. Экологический туризм. – М.: Финансы и статистика, 2004. – с. 58.
11. Содействие региональному сотрудничеству в области туризма в рамках ЦАРЭС (Центральноазиатского регионального экономического сотрудничества) 2030. Предварительное исследование. Март 2019 г. https://www.carecprogram.org/uploads/2019_Promoting_Regional_Tourism_CAREC-2030-ru.pdf. Мурожаат санаси: 18.07.2020 й.

<p>З.Ахроров, Б.Собиров</p> <p>Перспективы развития экстремального туризма в Узбекистане</p>	<p>Z.Ahrorov, B.Sobirov</p> <p>The Prospects of The Development of Extreme Tourism in Uzbekistan</p>
<p>Аннотация. Данная статья посвящена развитию экстремального туризма в контексте развития различных видов туризма. Цель исследования - раскрыть значение экстремального туризма и осветить работы, которые предстоит провести в Узбекистане в этом направлении. В работе показана структура экстремального туризма, проведен SWOT-анализ его развития в нашей стране, а также разработаны предложения по развитию экстремального туризма.</p> <p>Ключевые слова: туризм, экстремальный туризм, риск, спорт, туристская услуга, турист, Федерация экстремального и горного туризма.</p>	<p>Abstract. This article focuses on the development of extreme tourism in the context of developing various types of tourism. The purpose of the research is to reveal the significance of extreme tourism and to coverage of the work to be done in Uzbekistan in this regard. The work shows the structure of extreme tourism, SWOT analysis of its development in our country, as well as developed proposals for the development of extreme tourism.</p> <p>Keywords: tourism, extreme tourism, risk, sport, tourism service, tourist, Federation of Extreme and Mountain Tourism.</p>

Азиза Пирмаматовна Махмудова – СамИСИ, “Туризм” кафедраси ўқитувчиси, и.ф.ф.д,
Абдуғани Мелиев – СамИСИ магистранти

ТУРИЗМ БОЗОРИДА ЭКОТУРИЗМГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ТАЪМИНЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

<p>Аннотация: Мақолада экотуризмга бўлган талабни таъминлаш истиқболлари ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўллари хориж тажрибаси асосида таҳлил қилинган.</p> <p>Калит сўзлар: экотуризм, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, туризм инфратузилмаси, халқаро туризм, туризм самарадорлиги, миллий парклар, кўриқхоналар.</p>

Кириш. Табиатнинг қандай яшаётганини, унинг ривожланиш босқичларини ўрганиш, унинг ижод намуналарини кўриш ҳамда баҳраманд бўлиш баробарида илмий тадқиқ этиш, шу билан бир қаторда, жонзотларнинг яшаб қолишига имконият яратиш мақсадида миллий парклар, кўриқхоналар ташкил этилади. Шу боис сайёрамизнинг қатор мамлакатларида ана шундай хиёбонлар ташкил этилган бўлиб, у ерларда табиатни борича сақлаб қолиш таъминланади. Ҳақиқий ёввойи табиат қонунияти шакллантирилади.

Кейинги йилларда юртимизда экотуризмни ривожлантиришга юқори эътибор қаратилмоқда, хусусан мамлакатимизда мавжуд кўриқхоналар қаторига яна учта кўриқхоналар қўшилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундан ташқари юртимизга халқаро ҳамда маҳаллий туристларни жалб қилиш мақсадида миллий паркларнинг янги турлари – шаҳар дам олиш ҳудудлари, дарё бўйи кўриқхоналари, сайёҳлик кўриқхоналари, тарихий монументлар ҳам ташкил қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Экотуризмни ривожлантириш ва унинг туризм бозорида тутган роли ва унга бўлган талабни оширишда юзага келаётган муаммолар таҳлили куйидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Л.А.Волков, И.Н.Бутуров, Е.И.Богданов, К.Х.Абдурахмонов, М.Р.Болтабоев, И.С.Тухлиев, М.К.Пардаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ёритилган.

Тадқиқотлар методологияси. Тадқиқот иши давомида тузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Экотуризмни ривожлантириш бўйича халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Америка миллий паркларига ҳар йили 273 миллион саёҳатчилар ташриф буюриб, ундаги бутун гўзалликлар, табиат мўжизаларини кўриб завқланадилар ва у ердаги хизматлар ва дастурлардан тўла-тўқис фойдаланадилар. Ҳозирги кунга келиб миллий парклар хизмати ўз олдига қўйган вазифалари ўзгариб бормоқда, чунки ҳозирги кунга келиб ҳар бир паркнинг ўзига хос бўлган экотизимини сақлаб қолиш, ноёб йўқолиб

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

Гувоҳнома № 18-2464

5.12.2022 йилда теришга берилди. 12.12.2022 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 ¹/₈. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 13,12. Адади 100 нусха. Буюртма № 27/22.

МChJ “NAVRO’Z POLIGRAF” матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 18-3327 30.08.2019 йил

Манзил: Самарқанд шаҳар, Х.Абдуллаев кўчаси, 63-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2022